TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 30-noyabr / SHANBA / № 95 (13754)

Юқори Чирчиқ:

ЮҚОРИ МАРРАЛАРГА ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР



Ускенбай АТЕМОВ,
Юқори Чирчиқ тумани ҳокими

Юқори Чирчиқ туманида “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” ғояси ҳар бир фуқаронинг ҳаётига сингиб улгурди. Зеро, ҳудудларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, одамларнинг бандлигини таъминлаш ва шу орқали камбағалликни қисқартириш – бугун давлат сиёсатининг энг муҳим мақсадларидан бирига айланди.

“Тошкент ҳақиқати” минбари





Эътиборлиси, туманимизнинг кўп миллатли аҳолиси ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар билан ҳамоҳанг тарзда Юқори Чирчиқнинг янада юксалиши ва ривожланиши йўлида собитқадамлик билан меҳнат қилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ


ОҲАНГАРОН тумани тиббиёт бирлашмасида Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари томонидан соҳа вакиллари учун семинар-тренинг ташкил этилди. Шунингдек, шу куни 120 нафардан ортиқ фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди.



ЯНГИЙЎЛ туманининг Гулбаҳор шаҳарчасида марказий бозор ишга тушди. Ажратилган 2,15 гектар ер майдонининг 6,5 минг квадрат метрига савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари қурилди. Мажмуанинг барча нуқталари ишга туширилса, 450 нафардан зиёд янги иш ўрни ҳамда 160 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ташкил этилади.




ЧИНОЗ тумани ҳокими Ш.Солиҳов хитойлик ишбилармонлар билан учрашди. Мулоқотда умумий қиймати 10 млн. долларлик лойиҳа борасида музокара ўтказилди.



ПАРКЕНТ туманида 31-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида маҳалла фаоллари, нуронийлар, педагоглар, ота-оналар ҳамда туман сектор раҳбарлари иштирок этишди. Якунда мактаб ҳовлисига кўчатлар экилди.



БЎСТОНЛИҚ туманида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида янги боғлар барпо этилмоқда. Жумладан, “Угам” маҳалласи тоғ ёнбағирларига 850 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Шунингдек, туман ҳудудидан ўтган темир йўл бўйлари ободонлаштирилиб, яшил майдонлар ташкил қилинди.



АНГРЕН шаҳридаги Жамоат саломатлиги техникумида 1 декабрь – халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан тадбир ўтказилди. “Биз ОИТСга қаршимиз” мавзусидаги тадбирда наркология диспансери шифокори ўқувчиларга ОИТС хасталиги ҳақида маълумот берди.



“Яшил” иқтисодиётга яна бир қадам



Олмалиқ кон-металлургия комбинатида қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда энергия ресурсларини тежаш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жараён



Масалан, Саноат темир йўл транспорт бошқармасининг 3-сонли темир йўл цехи ҳудудидан ўтувчи “Таначи-Бўка” каналига ўрнатилган қуввати 30 кВт. соатни ташкил қилувчи гидротурбинали генераторда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси цех маиший-маъмурий биносининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини 60 фоизга таъминлайди.

Комбинат раҳбарияти ташаббуси билан ўрнатилган генератор сув оқими орқали электр токи ишлаб чиқаради. Бу жараён қурилма гидротурбинаси паррагини сув оқими ҳаракатга келтириши билан бошланади. Ҳосил бўлган кинетик энергия редуктор орқали генераторга узатилади ҳамда унинг ёрдамида электр энергияси ҳосил бўлади ва фойдаланиш учун тармоққа узатилади.

Мазкур қурилмадан атмосферага зарарли чиқиндилар чиқмайди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида электр энергияси бўйича харажат бир ойда 7,2 миллион сўм, бир йилда 86 миллион сўмга тежалади. Ушбу янгиликни “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлида яна бир қадам дейиш мумкин.

ОКМК Ахборот хизмати



МУСТАҲКАМ КЕЛАЖАК АСОСИ

Бугун Янги Ўзбекистон инсонпарвар ва халқчил ҳуқуқий давлат қуриш йўлида одимламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Яъни, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай демократик ислоҳотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

Конституцияда Ўзбекистон ҳуқуқий давлат эканлигини алоҳида белгилаш – давлат ўз фаолиятини, жамият ва фуқароларнинг яшаш тарзини фақат Конституция ва қонунлар асосидагина амалга оширилишини таъминлайди, демакдир. Пировардида давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун устуворлиги асосида халқ манфаатлари учун ишлайди, унга хизмат қилади. Янги таҳрирдаги Конституциянинг бошқа нормаларида ҳам ҳуқуқий давлат принципини рўёбга чиқаришга қаратилган механизм ва кафолатлар мустаҳкамланди.

Бунда:

биринчидан, давлат фаолияти қонун устуворлиги, қонунийлик принципи асосида амалга оширилишини таъминлаш бўйича Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланмоқда. Натижада давлат органлари, шу жумладан, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилган ҳолда қарорлар қабул қилади;

2

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛОТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш бўйича конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаганидек: «Чинакам халқ мафкурасини, миллатнинг энг муқаддас орзу-интилишларини фақат унинг Бош ҳужжати – Конституциясида тўлиқ ифода этиш мумкин».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий стратегик йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини ўзида намоён этади.

2

Мен шоирман, мен – Абдулла Шер



3

Обуна–2025

Азиз дўстлар!

“Тошкент ҳақиқати” газетасига 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада китобхонлик маданияти газета ўқишдан бошланади!

Боғланиш учун телефонлар: (55) 520-21-20; (97) 432-00-35

Нашр индекси – 205



МУСТАҲКАМ КЕЛАЖАК АСОСИ

иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ ва Конституция нормаларига мувофиқ кафолатланди, улар қонунчилик ва давлат органлари фаолиятининг мазмунини белгилаши кўзда тутилди. Шунингдек, инсонга нисбатан давлатнинг ҳуқуқий таъсир чоралари қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши шартлиги ва инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши мустаҳкамланди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқларини кафолатлайдиган бир қанча қўшимчалар киритилди. Масалан, 42-моддада “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади”, деган янги норма киритилди. Меҳнат қилаётган ҳар бир инсон асосий эҳтиёжларини қондириш

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

учун етарли маблағга эга бўлиши керак. Ўз навбатида, давлат шахсга меҳнатига яраша иш ҳақи тўланишининг чораларини кўриши ва кафолатларини таъминлаши, иш берувчи эса ходим олдидаги мажбуриятларини бажариши шарт.


Фуқароларни ишсизликдан ҳимоялаш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Янги Конституциямизнинг 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради”, деган норма белгиланди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш орқали 2026 йилгача камбағалликни камида икки бараварга камайтириш белгиланган. Бунинг учун, норасмий ишлаётган 2,5 млн. фуқаронинг бандлигини легаллаштириш, аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 бараварга камайтириш, касбга ўқитиш кўламини 2 бараварга ошириш кўзда тутилган. 1 млн. ишсиз фуқаролар ҳамда 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсад қилинган. Шунингдек, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда 3,5 млн. янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Фуқароларимизнинг чет элда меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш борасида ҳам уларни касбий тайёрлаш ва ишга жойлаштиришнинг хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими яратилди. Бугунги кунда 30 дан ортиқ давлатлардаги 500 га яқин иш берувчилар билан шартномалар тузилиб, меҳнат мигрантларини ишга жойлаштириш, ўқитиш, суғурта, кредит, микроқарз каби 10 га яқин хизматлар кўрсатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари: “Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови” деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши лозим”, дея таъкидлаган эди.

Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг моҳияти турмуш тарзимизнинг барча жабҳаларини тубдан яхшилаш, инсонлар ҳаётининг бугуни ва эртасини обод этишдан иборат.

Равшан ИКРОМОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети Гуманитар фанлар факультети декани, профессор



Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи Янги таҳрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз беришди. Сабаби Бош қомусимизда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топган.

Конституциянинг асосий мақсадларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳисобланиб, унинг нормалари тўғридан-тўғри амал қилиши ва мамлакатнинг бутун ҳудудида қўлланилиши ҳуқуқий ва демократик давлатнинг асосий шартларидан биридир.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шу билан бирга, “Инсон қадри учун” ғояси давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ҳозирги ислоҳотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашув Конституциянинг мазмунига чуқур сингдирилган бўлиб, ҳаётимизнинг бош қадриятига айланди. Яъни, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури барча соҳаларда биринчи ўринда туриши кераклиги алоҳида таъкидланмоқда.

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛОТИ

Маълумки, Конституция ҳар бир давлатнинг асосий рамзларидан бўлиб, унинг жаҳон давлатлари ўртасидаги ўрнини белгилаб беради. Халқаро конституциявий тажрибаларни ўрганиш, халқаро ҳужжат қоидаларини инобатга олиш, миллий давлатчилик анъаналари ва жаҳон андозаларига мос бўлиб, халқаро талабларга жавоб берадиган Конституция республикамизда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий истиқлол ҳақидаги азалий орзу-умидларимиз амалга ошди. Натижада асрий қадриятларимиз тикланди ва ривожланиб бормоқда. Маданиятимиз, миллийлигимиз, динимиз ўзининг тарихий асосларига қайтмоқда. Айниқса, маънавий меросни ўрганиш, аждодларимиз қолдириб кетган асарларни оммалаштириш, она тилимиз ривожланиши учун шароитлар яратилди.

Конституция – давлатнинг асосий ҳужжати бўлиб, давлат бошқаруви, ҳукумат органлари фаолиятининг тартиби ва тамойиллари, давлат, жамият, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари у билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ушбу мақсадларнинг барчасига мувофиқ, уйғун ва ҳамоҳангдир. Асосий Қонунимиз ушбу муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётир. Унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри, диний эътиқоди ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилган. Конституциямизда жинси, миллати, дини, ирқи, ёши, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқли деб эълон қилингани бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари ва эътиқод эркинлигини камситадиган бирорта модда йўқ.

Асосий қонунимизда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг қиёфаси, ўзига хос белги ва хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Шунингдек, инсониятни қамраб олган она табиат, ер ости ва ер усти табиий бойликлари ҳам қонун ҳимоясида эканлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, Конституциямизни ўрганиш ҳамда унда белгилаб берилган ҳуқуқ ва бурчларни билиш, қонун-қоидаларга риоя қилиш, унинг давлатимиз сиёсатида муҳим ўрин тутишини англаш ва ўрганиш ҳар бир фуқаро учун зарурдир.

Д. АБДУҚОДИРОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди судьяси

Экологик хавфсизлик – бу антропоген омилларнинг атроф-муҳитга таъсирининг салбий оқибатларининг олдини олишга ёки минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими. У табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ер, сув ва ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, аҳоли саломатлиги ва биохилма-хилликни асраш масалаларини қамраб олади.



БИЗ – ТАБИАТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Марказий Осиёда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ерларнинг деградацияси, сув танқислиги, ҳавонинг ифлосланиши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби қатор жиддий экологик муаммоларга дуч келмоқда. Мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва экотизимларни муҳофаза қилиш учун экологик хавфсизликнинг самарали механизмларини жорий этиш зарур бўлиб, улардан бири конституциявий-ҳуқуқий асосдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий ва экологик асосларини шакллантиришда, давлат ва фуқароларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги масъулиятини белгилашда асосий ўрин тутади.

Хусусан, янги Конституциянинг қатор моддаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини кучайтириш масалалари ўз ифодасини топган. Конституциямизнинг 49-моддасида: “Ҳар ким қулай муҳит ва унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумот олиш ҳуқуқига эга”, деб белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ нафақат индивидуал, балки оммавийдир, чунки уни амалга ошириш мамлакатдаги экологик вазиятнинг умумий ҳолатига боғлиқ. Конституция барча фуқароларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини тан олади, бу эса миллий ва маҳаллий экологик сиёсатни ишлаб чиқиш учун асос яратади. Бу фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, экологик мувозанатни сақлашда давлат масъулиятини таъминлайди.

Конституцияда табиатни асрашда давлатнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳақда 49-моддада: “Давлат барқарор ривожланиш тамойилига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш чора-тадбирларини амалга оширади”, деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Конституциясида барча даражадаги давлат ҳокимияти органларининг экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича мажбуриятлари белгиланган бўлиб, бу экологик хавфларни бошқаришга комплекс ёндашув муҳимлигини таъкидлайди.

Ўзбекистонда сув ва ер ресурслари билан боғлиқ муаммолар энг долзарб масалалардан эканини инобатга олиб, Конституцияда ушбу ресурсларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 68-модда ва бошқа қоидаларда сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги белгиланган. Бу сувни тежаш, сифатини яхшилаш ва ерларни деградациядан ҳимоя қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асос яратади.

Конституциянинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси бундан буён ҳам халқаро экологик битимлар ва ҳамкорликларда фаол иштирок этишини кафолатлайди. Иқлим ўзгариши ва трансчегаравий ифлосланиш каби глобал экологик таҳдидлар олдида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарали бўлиши учун халқаро экологик ташаббусларда иштирок этиш жуда муҳимдир.

Экологик хавфсизликнинг Конституция матнига киритилиши Ўзбекистон ҳуқуқий тизими ва экологик амалиёт учун бир қанча муҳим оқибатларни келтириб чиқаради:

1. Экологик дастурларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. Атроф-муҳитнинг соғлом бўлиш ҳуқуқи ва давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш мажбуриятлари тўғрисидаги конституциявий нормалар махсус қонунлар ва экологик дастурларни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, Конституция асосида табиатни узоқ муддатли муҳофаза қилишга қаратилган экологик стратегиялар ишлаб чиқилмоқда.

2. Давлат экология институтлари. Конституция Ўзбекистон Республикаси Экология ва табиий ресурслар вазирлиги каби атроф-муҳитни тартибга солишга масъул ихтисослаштирилган давлат органлари, шунингдек, ҳудудий экология хизматларини ташкил этишга кўмаклашади. Бу органлар давлат экологик сиёсатини амалга оширишда асосий роль ўйнайди.

3. Экологик таълим ва хабардорликни қўллаб-қувватлаш. Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқнинг конституциявий кафолатлари экологик таълимни ривожлантиришга, аҳоли ўртасида экологик онгни шакллантиришга ёрдам беради. Бу ҳам мамлакатда экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган таълим дастурлари ва курсларини ишлаб чиқишни рағбатлантиради.

4. Халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилган Конституциянинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон иқлим бўйича Париж келишуви каби халқаро шартномаларда фаол иштирок этади, бу эса, ўз навбатида, миллий экологик қонунчиликни такомиллаштиришга таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон чўлланиш, сув ресурсларининг камайиши, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, Орол денгизини тиклаш зарурати каби кўплаб экологик муаммоларга дуч келмоқда. Фуқароларнинг экологик хавфсизликка бўлган ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган Конституцияда ушбу муаммоларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилган.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизнинг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Мамлакатнинг асосий қонунига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қоидаларнинг киритилиши экологик муаммоларнинг долзарблигини таъкидлайди. Бу самарали экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва Ўзбекистоннинг халқаро экологик сиёсатда фаол иштирок этиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади. Келгусида барқарор ривожланиш ва узоқ муддатли истиқболда экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида экологик қонунчиликни такомиллаштириш ва конституциявий нормаларни фаол амалга ошириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

Х . УСМОНОВА,
Б. МУРОДОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчилари

ЧЎЛОБОДДА "СУПУРГИ БИЗНЕСИ" ГУЛЛАМОҚДА

Нима деб ўйлайсиз, супурги сотиб машина ва уй олса бўладими? Супурги тайёрловчиларнинг қўл остида ўнлаб одамлар ишлашига нима дейсиз?

Камбағалликдан – фаровонлик сари

Кўпчилигимиз супургичиларни маҳаллама-маҳалла кезиб, харидор излаб юради, деб ўйлаймиз. Аммо уларнинг ҳам яшаш тарзи, касби-кори, даромади ва режалари бор. Буни Бўка туманидаги супургичилар маҳалласига бориб билдик.

Туманнинг энг чекка “Чўлобод” маҳалласида 626 та хонадонда 2 минг 978 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қизиғи, нафақат туман, балки пойтахт бозорларида сотиладиган супургилар шу маҳаллада тайёрланар экан. Яъни 50 дан ортиқ хонадон супурги бизнеси билан машғул. Бундан ташқари, қуриган қамишдан чий, мат, бўйра тўқийдиган оилалар ҳам бор. Уларнинг маҳсулотига бутун республикадан харидорлар келишади. Буни “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойилининг амалий ифодаси дейиш мумкин. Эътиборлиси, бу ишлар палапартиш, кимўзарга эмас, маҳалладошларнинг уюшқоқлиги билан амалга оширилар экан.

Маҳалла раиси Мирзоҳид ака Холмуродовнинг айтишича, маҳалла ҳудуди деҳқончилик ва чорвачиликка мослашган. Шу боис ҳудудни ривожлантириш драйвери сифатида деҳқончилик белгиланган. Бу ерда асосан полиз экинлари, мош, ловия ҳамда помидор етиштирилади.

– Йўналишимиз деҳқончилик бўлишига қарамасдан аҳоли тадбиркорлик билан ҳам фаол шуғулланади, – дейди Мирзоҳид ака. – Ҳатто, ёшлар ҳам бўш вақтларида супурги боғлашади, қамиш тўқишади. Кўчада бўш юрган ёшни учратмайсиз, шунинг учун ҳам маҳалламизда жиноятчилик ва ажримлар йўқ. Тадбиркорлик ривожлангани сари аҳолининг яшаш шароити ҳам яхшиланиб бормоқда.

Оқсоқол бошчилигида хонадонларни айландик. Очиғи, биринчи кирган хонадонимиздаёқ ҳайратимиз ошди. Ҳовли хом ашё ва янги тайёрланган супургига тўла – чамаси мингга яқин супурги бор-ов...

Бизга пешвоз чиққан Нурилла Ибодуллаев 24 ёшда. У бизни иш жараёни билан таништирди. Катта дарвозахонада 5 нафар йигит супурги боғлаяпти. Уларнинг бари маҳалла ёшлари. Шу вақтгача супургини аёл киши тайёрлайди, деган тасаввурда эдик. Лекин, иш жараёнини кузатиб бу аёлларнинг қўлидан келадиган иш эмаслигига амин бўлдик. Сабаби уни боғлашга катта куч керак экан.

– Аёллар асосан супургининг бандларини тозалаб, боғлаш учун тайёр ҳолга келтириб беришади, – дейди Нурилла. – Сўнгра кимдир кичик боғламларни тайёрлаб берса, кимдир уларни бирлаштириб, супурги ҳолига келтиради.

Тадбиркор 4 йилдан бери шу иш билан шуғулланар экан. Хонадонда ойига 4 мингтагача супурги тайёрланиб, бозорга етказилади.



Мирзоҳид ака бизни Умарали Акбутаев хонадонига бошлади. Айтишларича, у бир ўзи кунига юзтагача супурги боғлар экан.

– Ота-боболарим рўзғорга қўшимча даромад бўлади, деб супурги тайёрлаб сотишган, – дейди Умарали. – У пайтлар супургини ўзлари, уйма-уй юриб сотишарди. Йиллар ўтиб бу иш маҳалламизда оммалашди. Шунинг ортидан рўзғорини обод қилганлар кўп. Биз ҳам мавсумда ёрдамчилар оламиз. Асосий ишни акам билан қиламиз. Бозорга олиб чиқмаймиз, харидорлар келиб, улгуржи нархда олиб, жойларга тарқатади. Супургининг сифатига жавоб берамиз. Яъни, келинлар бир-икки силтаб супурганда ёки сув текканда сочилиб кетмайди. Эгасига узоқ вақт хизмат қилади.

Қизиғи, супурги ўсимлиги боғламда эмас, килограммда сотиб олинар экан. 1 гектар майдонга экилган ўсимликдан 5 минг дона супурги чиқади. Тайёр супурги ўртача 25 минг сўмдан улгуржи нархда сотилади.

Жараённи кузатар эканмиз, новданинг узун ва йўғон жойлари кесиб ташланаётгани эътиборимизни тортди.

– Супургидан чиқит қолмайди, – деди оқсоқол. – Кесилган, синган новдалар тандирга ўтин бўлади. Бундан ташқари, супургининг уруғи ҳам ажратиб олинади. Уни қўйга ем сифатида берса бўлади. Хуллас, бу ишда зарар қилинмайди.


Тадбиркорнинг айтишича, бир дона боғланган супурги учун 4 минг сўм берилар экан. Қўли келишгани бир кунда 60 тагача супурги боғлайди. Демак, кунлик даромад 240 минг сўм бўлади. Маҳаллий аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланишини инобатга олсак, топиш-тутишлари чакки эмас.

Дарвоқе, маҳаллада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Кўчалар асфальт қилинмаган, ёғингарчилик вақтида пиёда тугул машинада юриш ҳам қийин. Ҳалигача, маҳалланинг алоҳида биноси йўқ. Маҳалла фаоллари бир хонада тиқилиб ўтиришибди.

Мухтасар айтганда, маҳалланинг ўзига хос драйвери, аҳолининг муқим даромад манбаи бор, ҳудуд инфратузилмаси устида ҳам бироз ишланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Келгуси келишимизга бу камчиликлар ечим топишига умид қилиб, ортга қайтдик.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган сурат



“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Шундай ижодкорлар бўладики, ёзганларини кексаю ёш севиб ўқийди. Тушунади, мушоҳада қилади. Ана шундай қаламкашлардан бири Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шердир.

Мен шоирман, мен – Абдулла Шер

Файласуф шоиримизнинг “Таржимаи ҳолимдан парча” деган шеъри қуйидагича ёзилади:

Асрни асрга улаб бир қатим –
Умр деб аталган чайир ип билан,
Ўзни аямадим, сўзни аядим,
Шеърни гул деб билдим, китобни – чаман.

Замондан замонга ўтаркан, йўлда
Қулликдан, ҳурликни фарқлаб ололдим.
Сўздан ўстирганим ҳар битта гулда
Баҳорнинг рангини сақлаб қололдим.

Шоир ўзи айтганидек, шеърларида баҳорнинг рангини асраб қололган. Ижодкор умри давомида турли синовлардан ўтади. Ўз принципидан оғишмай ёзиш қалам одамининг бахтидир. Абдулла Шер айнан шундай ижодкор.

Мен шоирман, мен – Абдулла Шер,
Барлосларнинг саркаш фарзанди.
Айтгил Осмон, айтгил она – Ер:
Ўз асримга менми асранди?

– дейди бир шеърида. Бандининг илк қаторида шоир адабиётда ўз йўли, ўз сўқмоғи борлигини таъкидлаётгандек. Шундай тўртлик билан мазкур шеър якунланади:

Мен ёнаман: на ёв, на дўстим
Қорайтолган уфқимни ерда.
Мен оловман: зулматни тўсдим, –
Ватаним деб чўғландим шеърда!

Абдулла Шер ижодини ўқиган одам, унинг қандай чўғланиб ёзишини ҳис қилади! Беихтиёр мухлисига айланади.

“Мен бахтлиман...” деган битигида шундай мисралар бор:

Мен бахтлиман: йўлдан озмадим,
Тафт куттмадим йилтироқ муздан;
Шеър ёздимми? Йўқ шеър ёзмадим,
Мен лолалар ундирдим сўздан.

У сўзни жуда ардоқлайди, нозик ниҳол каби кафтида авайлайди. Айтиш кераклиги учунгина айтмайди. У ҳайқириб бор овозида куйлайди. Одамни уйғоқликка чорлайди, “сўздан лолалар ундиради...”

Достонларда синалгай шоир, деган гап бежизмас. Асл шоир шу жанрда билинади. Абдулла Шер достонларида ҳаёт аксини бежирим бўёқларда чизади. Масалан, “Севилмаган менинг севгилим” достони ўқувчи қалбининг инжа ҳисларини уйғотади. Муҳаббатнинг нафосатини кўрсатади.

Унда шундай мисралар бор:

Муҳаббат нимадир? – Абадий савол,
Унга не-не умр излади жавоб.
У – моддий дунёда илоҳий камол,
Қалб уни Каъбадек айлайди тавоф.
Муҳаббат ҳаромни енголган ҳалол,
У мингта гуноҳ-у минг битта савоб.
Муҳаббат ёмғирдек заминга мадор,
(Ёмғирда наво бор, товушсиздир қор.)

Мисраларни ўқиб, ҳақиқий ошиқ бўлган инсон ёзганини ҳис қиламиз.

Дерларки, ким вақтни хўр қилса агар,
Вақт уни хўрлаши доим муқаррар.

Достондаги ушбу чизгилар ўқувчини чуқур ўйга солади.

Шоиру ошиққа фарқи йўқ йилнинг,
Улардир оламнинг ёшлиги, билинг!

Топилмани қаранг. Муаллиф шоиру ошиқларни оламнинг ёшлиги демоқда. Ёшлик жўшқинлик эмасми? Ижодкор ёзаётган пайтда жўшиб ёзади. Ошиқ ҳам шу кайфиятда бўлади. Бу ҳолатда иккаласи ҳам тозаради. Худди ана шу хислат, оламни ҳам янгилайди.

Зотан, буюк бахтдир инсонга ҳар чоқ
Олис бўлса ҳамки юлдузни севмоқ!

Достон ёзиш бундай бўпти-да! Инсон доимо юксакка интилиши кераклиги уқтирилаётгандек. Юлдузларни севган одамнинг тафаккури юксак бўлади. Баланд ва ёруғ манзилларни кўзлаганлар, албатта етгай.

Абдулла Шер сўзнинг инжаликларини нафосату назокат билан қўллайди.

Унинг “Кичкина одам” шеърига эътибор берайлик.

“Биз кичкина одаммиз”, – дейди у ҳар кун,
Доим “катталар”нинг гапига “қўшилади”,
Ўтирмайди талашиб,
Кичкина одам.
Ҳар куни тобора кичрайиб, ингичкалашиб,
Шукр қилиб борига,
Арқон бўлиб эшилади
Улуғ инсонларнинг осишлари учун
Кичкина замоннинг каттакон дорига
Кичкина одам.

Шеър оҳангию кўтарилган мавзу одамни беихтиёр ўйга толдиради. Ўқувчи мириқиб ўқиш билан бирга ижодкорнинг изтиробини ҳис қилади. Юрак жизиллайди. Чин шоир шеърни бундоқ ёзади-да!

Ёки “Ҳаёт” шеърига назар солайлик:
Ҳаёт –
Каттакон эълонлар тахтаси
Чорраҳадаги:
Биров ўзини, биров дўстини сотар,
Биров ўйини, сўзини сотар,
Биров хонавайрон бўлган уйини сотар,
Кеча ўтиб кетган тўйини сотар...
Сотувчилар ёзилган,
Манзиллар аниқ.
Олувчилар кўринмас аммо, –
Уларнинг сеҳрли қалпоқлари бор,
Кўринмасдан келиб, беозор, бедаллол,
Бебозор кунлари
Ҳаммасини сотиб оларлар бир-бир
Чорраҳадаги эълонлар тахтасидан.

Тасвирдаги образларда кўп нарса намоён бўлади. Одам ҳаёт ҳақида ўйлай бошлайди. У ўзи нима? Шоир ҳаётни жуда теран кузатиб, умумбашарий ғояни ўртага ташлаган.

Муаллиф “Маҳмуд Ялавоч” шеърида бу образ орқали хоину сотқин одамларни тасвирлайди. Унинг қиёфасидагилар ҳамма даврда бўлганидан, миллатнинг оёғига болта уришганидан куюниб гапиради. “Нега сен ўлмайсан, Маҳмуд Ялавоч!” деган ҳайқириқ ортида тарихнинг изтироблари, оғриқлари кўриниб туради. Наҳот, ҳамма замонларда шундайлар ўз даврининг кушандалари бўлса!

“Сени деб” шеърига назар ташласак:

Сени деб туғилди сўзларим мининг,
Қувончим, фарёдим, бўзларим мининг.

Мен сени куйладим, сизлаб куйладим,
Кўкка қўл кўтариб, тизлаб куйладим.

Гуллар ҳам ўтдилар югуриб-елиб,
Баҳорни кўрмадим сенга тикилиб.

Сен эса кулдинг – шўхи бепарво,
Кўзларинг ёнарди – чўғи бепарво.

Бепарво дунёдан юз бурганимда,
Гулларнинг ортидан югурганимда,

Сарғайган майсага қўяр эдим бош
Йиғлаган кўз каби қизарган қуёш.

Ана тасвир. Ҳамма ўзига керагини олаверади!

Ижодкорнинг ёзганларини синчиклаб ўқиган одам, унинг зўр боғбон бўлиб, ҳам гулбоғбон, ҳам сўзбоғбон эканлигини англайди. Тафаккури кенгаяди. Шоир ўзи айтганидек, сўздан лолалар ундирди. Унинг лолалари катта гулзор-лолазорни ташкил қилди. Унинг чамани мухлислар кўнглига баҳорий оҳорларни олиб кираверади.

Зикрилла МУҲАММАД,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Иқтидор

Тошкент вилоятида сўнгги йилларда кўплаб иқтидорли ёшлар кашф этилаётгани қувонарли. Бугунги меҳмонимиз – “Артист” лойиҳаси иштирокчиси, мухлислари томонидан “Ингичка овозли қиз”, “Гитара кўтарган қиз” тахаллусини олган Малика Мухторова асли нурафшонлик. Малика ҳозирда Чирчиқ давлат педагогика университети талабаси.



Гитара кўтарган қиз

– Санъатга қизиқишингизга нима сабаб бўлган?

– Санъатга болалигимдан меҳр қўйганман. Айниқса, хонанда Райҳоннинг ашаддий мухлиси бўлганман. Уйда унинг қўшиқларини эшитиб, қўшилиб хиргойи қилардим. Аслида, акам ва 3 нафар опам ҳам санъатга қизиқишган. Бироқ, дадам розилик бермаганлар. Менга келганда эса “анъана” бузилган. Балки кенжатой, эркатой бўлганим учун ота-онам қизиқишимга қарши чиқишмагандир. Бироқ, фақат мусиқа асбобларини чалишгагина рухсат беришган. Менга эса куйлаш ёқарди. “Йўқдан кўра” дея, шунисигаям хурсанд бўлгандим ўшанда.

4-синфдан фортепьяно тўгарагига қатнай бошлаганман. Бир йилдан сўнг онам шаҳардаги Мусиқа ва санъат мактабига олиб борганлар. Фортепьяно чалишни шу ерда ўрганганман. Кейинчалик куйлай бошладим. Гитара чалишимга эса университетдаги бир танишим сабабчи бўлган. Жуда қизиқиб қолганимдан Мусиқа ва санъат мактабидаги устозимдан сабоқ олганман.

– Сиз майин овоз соҳибасиз. Қўшиқ куйлашда бунинг “+” ёки “–” томонлари борми?

– Илгари овозим бундан ҳам майин бўлган. Овоз устида ишлаш натижасида бироз йўғонлашди. Яширмайман, овозимнинг ингичкалигидан кўпчилик кулишган, бунақалар ҳозир ҳам учраб туради. Мактаб давримда синфдошларим «Мультфильмовоз» деб лақаб ҳам қўйишганди. Бундан жуда ранжирдим. Кейинчалик инсонлар турли, уларнинг фикрлашлари ҳам шунга яраша эканлигини англаб, бунга парво қилмай қўйдим. Ҳозир эса ўзимга керакли фикрларни оламан, қолганларига эътибор қилмайман. Овозимни Аллоҳ берган неъмат, деб биламан.

– Кўпчилик сизни “Артист” лойиҳаси орқали таниди. Бироқ, ўшанда асосий босқичга ўтолмагандингиз. Ваҳоланки, ижроингиз кўпчиликка маъқул бўлганди…

– Дарҳақиқат, “Артист” лойиҳаси ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Ўша чиқишимдан сўнг мени Малика Мухторова деб эмас, “Ингичка овозли қиз”, “Гитара кўтарган қиз” дея эслаб қолишган. Бошида бу лойиҳада ғолиб бўлиш мақсадида иштирок этгандим. Илк саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, кучли 50 нафар иштирокчи орасидан жой олдим. Ўшанда ташкилотчилар туркча қўшиқ куйлашимни таклиф қилишди. Бу менга маъқул келиб, саралашнинг сўнгги босқичида туркча қўшиқ ижро қилдим. Куйлашим мухлисларга ҳам, ҳакамларга ҳам маъқул келиб, олқишлашганди. Очиғи, асосий босқичга ўтдим, деб ўйлагандим. Бироқ кейин саралашдан ўтолмаганимни айтишди. Бу хабарни эшитиб, жуда тушкун ҳолатда қолдим. Сабаби, бу лойиҳада фақат бир марта иштирок этишга рухсат берилар, мен эса ғолиб бўлишни хоҳлагандим. Анча вақтгача ўзимга келолмадим. Кейинчалик ижтимоий тармоқларда мухлисларнинг олқишларини, қўллаб-қувватлашларини кўриб, жуда қувондим. Уларнинг ишончи мен учун энг зўр мотивация бўлди.

– Қўшиқ куйлашни яхши кўрсангиз-да, педагогика соҳасини танлабсиз...

– Болалигимдан хонанда бўлишни орзу қилганман. Аслида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳужжат топширмоқчи эдим. Бироқ, тайёрланишга вақт камлиги сабабли бу олийгоҳга бюджет асосида киришга кўзим етмаган. Тўлов шартнома асосида ўқиб, ота-онамга оғирлик туширишни хоҳламаганман. Шу сабаб, анча ўйлаб Чирчиқ давлат педагогика университетини танлаганман. Назарий томонлама билимимга ишонардим. Якунда иккинчи ўринда “грант” асосида ўқишга қабул қилиндим. Лекин қўшиқ куйлашни бир кун ҳам тўхтатмадим.

– Сизга дубляждан таклифлар бўлганми? Нозик овозингиз анимацион кадрларга яхши тушарди...

– Яқинда “Қизалоқ ва маймоқ” мультфильмидаги Маша образига овоз беришга чақиришди. Бу анимацион фильмни болалигимдан яхши кўрганим сабабли, қизиқиб, овоз бериб кўрдим. Аммо тайёргарликсиз иштирок этганим учунми, ўзим қониқиш ҳосил қилмадим ва “Ўз устимда кўп ишлашим керак экан”, деган хулосага келдим.

– Келгусида қайси соҳадан кетмоқчисиз?

– Орзуим малакали ўқитувчи ҳамда профессионал хонанда бўлиш. Ҳозирда ўқишдан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон халқ артисти Женисбек Пиязовга шогирд бўлганман.

– Келажакдаги мақсадларингиз...

– Мақсадларим кўп. Аввало, турк тили бўйича сертификат натижасини янада яхшилаб, магистратура босқичини хорижда ўқишни ният қилганман. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқ саҳифаларимни ривожлантириб, мухлислар учун янги қўшиқлар куйлашни хоҳлайман. Энг муҳими, ота-онам фахрланадиган фарзанд бўлиш.

“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Суҳробжон САДИРОВ
суҳбатлашди

Ҳисобот

16 КУНЛИК ФАОЛ ҲАРАКАТ

Тошкент вилояти ички ишлар органларида хизмат қилаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ёш авлодда Ватанга муҳаббат, касбга фидойилик ҳиссини шакллантириш бўйича амалга оширилган ишлар якунига бағишланган тарғибот тадбири – ҳисобот йиғилиши ўтказилди.



Унда вилоят ички ишлар органларида хизмат қилаётган аёл ходимлар, академик лицей ўқувчи-қизлари, ИИББ масъул раҳбарлари ва мазкур йўналишларга алоқадор мутахассислар иштирок этди.

Маълумки, жорий йил 25 ноябрдан “Зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракат” глобал кампанияси бошланди. Бу ташаббус Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш куни муносабати билан ўтказилади.

Тадбирда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун жамиятнинг барча қатламлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги айтилди. Хусусан, ички ишлар органларидаги аёл ходимлар ҳам бу борада етакчи бўлиши, зўравонликка қарши курашни ўз хизмат вазифаси ва инсоний бурчи деб билиши қайд этилди.

Сўзга чиққанлар давлат раҳбари ташаббуси билан зўравонликка қарши тизимли ишлар жадаллаштирилганини, “Инсон қадри учун” тамойили асосида қонунлар такомиллаштирилгани ва жазо чоралари қатъийлаштирилганини таъкидлашди. Шунингдек, ИИВ тегишли буйруқларининг ижроси ҳамда вилоят ички ишлар органларида хизмат қилаётган аёл ходимлар ўртасида тарбиявий, психологик ва ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича амалга оширилган тарғибот ишлари таҳлил қилинди ва келгуси режалар белгиланди.

Бундай тадбирлар ички ишлар органларида хизмат қилаётган аёл ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, оилавий шароитларини ва хизмат фаолиятини яхшилашга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга.

Тадбир якунида соҳада узоқ йиллар муносиб хизмат қилиб, ёруғ юз билан фахрий мақомга эришган аёл ходимлар нафақага кузатилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Ўрганиш



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёров вилоятимиз бўйлаб ижтимоий масалалар бўйича ўрганиш олиб борди.

ИЖТИМОИЙ ХОДИМ ҚАНДАЙ ИШЛАШИ КЕРАК?


Хусусан, Янгийўл туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фаолиятини кўздан кечириб, фуқаролар билан онлайн, телефон орқали мулоқот, ариза қабул қилиш жараёни қандай ташкил этилганини кўздан кечирди. Шу ернинг ўзида марказ ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди.

Шундан сўнг, агентлик раҳбари Янгийўл шаҳрида жойлашган 11-алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда бўлди. Бу ерда болаларга яратилган шароит ва имкониятлар билан танишди.

Шунингдек, маҳаллалар ва хонадонларда бўлиб, “Камбағалликдан – фаровонлик сари” давлат дастури доирасида фуқаролар билан мулоқот олиб борилди. Уларга аниқ ва тезкор ёрдам кўрсатиш, оилавий шароитини яхшилаш борасида ишни қандай ташкил қилиш бўйича ижтимоий ходимга йўл-йўриқ кўрсатилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Сўраган эдингиз



– Вояга етмаган болаларга қанча вақт алимент тўламаган шахс 15 суткалик маъмурий қамоққа юборилиши мумкин?
Н. СОЛИЕВА,
Қуйи Чирчиқ тумани

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47 прим 4-моддасига асосан, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик – ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд қонунчиликка мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади, деб кўрсатилган.

– Шахс унга пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаса қандай йўл тутиши керак?
Д. БЕГМАТОВ,
Нурафшон шаҳри

– "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга кўра, пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Саволларга Тошкент тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи Суҳроб РАҲМАТОВ жавоб берди.

Юқори Чирчиқ: ЮҚОРИ МАРРАЛАРГА ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

Туманда 2017 йилда 3,4 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилган бўлса, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 81,3 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 24 баробарга ортган. Туман кўрсаткичларида экспорт ҳажми ҳам ортиб, ҳозирда 69,1 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда.



Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

ИККИ ЙИЛЛИК МАНЗИЛЛИ ДАСТУР

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари яқинда вилоятимизга қилган ташриф давомида муҳим тавсия ва топшириқлар бердилар. Унга кўра, вилоятнинг ҳар бир шаҳри ва туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурга кўра, 2025-2027 йилларда туманимизда ижтимоий соҳа объектлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш мақсадларига жами 156,2 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Жумладан, ичимлик суви тармоқларини модернизация қилиш харажатларига 93,5 млрд. сўм ажратилди. Электр таъминотини яхшилашга 18,8 млрд. сўм режалаштирилган бўлиб, бунда 89,4 км. тармоқлар реконструкция қилинади, 6 та янги трансформатор ўрнатилиб, 3 таси таъмирланади. 1 та мактаб реконструкция қилиниб, 3 та мактаб мукаммал таъмирдан чиқарилади. Бу харажатларга 2025 йилда 17,3 млрд. сўм, 2026 йилда 7 млрд. сўм, 2027 йилда 7 млрд. сўм ажратилади. Натижада, 2025 йилда 990 та ўқувчи ўрни яратишга эришамиз.

Дастур бўйича 2025-2027 йилларда тиббиёт соҳасига 57,3 млрд. сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бунда 3 та оилавий шифокорлик пункти, 5 та оилавий поликлиника, юқумли касалликлар бўлими капитал, марказий шифохонанинг шошилинч жарроҳлик бўлими жорий таъмирланиши белгиланган. Натижада, ётоқ ўринлари 2025 йилда 52 тага, 2026 йил якуни билан эса 20 тага кўпаяди.

2025-2027 йилларда туманда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича лойиҳа қиймати 7 трлн. 401 млрд. сўмлик 23 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 4,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

ИСЛОҲОТЛАР ИСТИҚБОЛИ

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакат келажаги бўлмиш ёшларни инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар қилиб тайёрлаш, уларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш муҳим масаладир. Президентимиз раҳнамолигида келажак пойдеворини янада мустаҳкамлаш, кучли маънавий иммунитетга эга ёшларни тарбиялаш мақсадида таълим тизимидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор берилиб, билим даргоҳлари, ўқитувчи ва мураббийлар малакаси, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, туманимиздаги 41 та умумтаълим мактабида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун барча шароитлар яратилмоқда. Жорий йилда 7-, 15-, 20-, 25- ҳамда 37-умумий ўрта таълим мактаблари тўлиқ реконструкция қилиниб, тубдан янгиланди.

Шунингдек, 8 минг 935 нафар мактабгача таълим ёшидаги болалар мавжуд 99 та давлат, давлат хусусий шерикчилиги ҳамда хусусий боғчаларга жалб этилиб, бугунги кунда қамров даражаси 81 фоизни ташкил этмоқда. 2025 йилда бу кўрсаткични 85 фоизга етказиш режа қилинган.

Маълумки, спорт – соғлом ҳаёт, демак. Туманимизда аҳоли, айниқса, ёшлар спорт билан шуғулланишлари учун ҳам яхши шароитлар яратилган. Айни дамда туманда спорт мактаби, ёпиқ сузиш ҳавзаси, теннис зали, футбол мактаби, 3 та спорт ўйингоҳи, 31 та минифутбол, 40 та баскетбол, 35 та волейбол, 4 та стритбол, 59 та воркаут майдонлари фаолият олиб бормоқда. Қувонарлиси, спортчиларимиздан 78 нафари республика миллий терма жамоалари аъзоси, 4 нафари эса “Ўзбекистон Республикаси спорт устаси” унвонига эга.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бу борадаги кенг кўламли тадбирлардан кўзланган мақсад мамлакатда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг узоқ ва фаровон умр кўришига замин яратишдир. Бу борада туманимиз аҳолиси тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлардан мамнун. Бугунги кунда туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун марказий шифохона, кўп тармоқли марказий поликлиника, 5 та оилавий поликлиника, 3 та оилавий шифокорлик пункти, 10 та маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, туманда “маҳаллабай” ишлаш орқали сезиларли натижаларга эришилмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси янгиланиб, аҳолига қулай шароитлар яратиляпти.

Хусусан, сўнгги йилларда электр таъминоти бўйича 198 км. узунликдаги электр тармоқлари, 106 дона трансформатор пунктларида реконструкция ва модернизация ишлари бажарилди. Маҳаллаларда 5 минг 915 та таянч устунлари алмаштирилди. Ичимлик ва оқова суви таъминотини яхшилаш мақсадида 85,04 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 176,6 км. ичимлик суви, 20,5 км. оқова сув тармоқлари ҳамда 27 дона ичимлик ва 2 дона оқова сув тозалаш иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янгиланаётган Ўзбекистонимизни равон йўллар, замонавий транспортларсиз тасаввур этиш қийин. Сўнгги йилларда ҳудудимизга қарашли умумфойдаланув автомобиль йўлининг 11 километри реконструкция қилиниб, 3 та кўприк қайта қурилди, 208,3 километр масофадаги ички йўлларни асфальтлаш жараёни бошланган.

ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРЛАРИ

Бугунги кунда республикада инвестицион муҳитни яхшилаш, хорижий инвесторларни жалб қилиш ва янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича изчил ва тизимли ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз қатор йиғилишларда бу масалага тўхталиб, инвестицияларни жалб қилиш юзасидан зарур вазифаларни белгилаб бермоқда.

Туманимизда ҳам йилдан-йилга инвестиция муҳитининг яхшиланаётгани, бу йўналишда аниқ чора-тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани натижасида янги корхоналар сони ортмоқда. Кейинги ўн йилда халқаро лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, имкониятларни кенгайтириш бўйича янги вазифалар белгиланиб, жаҳон андозалари асосида мониторинг олиб борилмоқда.

Жумладан, туманда 2017 йилда 3,4 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилган бўлса, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 81,3 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 24 баробарга ортган. Туман кўрсаткичларида экспорт ҳажми ҳам ортиб, ҳозирда 69,1 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Айни пайтда туманимизда хорижий сармоя иштирокидаги 98 та корхона фаолият юритаётгани ҳам ислоҳотлар самарасидир.

Бу борадаги ишларни тўхтатмай, янада жадаллаштиришга барча имкониятларимиз етарли. Жорий йил якунига қадар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни 101 млн. долларга етказишни режалаштирганмиз. Шу кунгача Хитой, Россия, Германия, Уммон Султонлиги ҳамда бошқа давлатлар билан ҳамкорликда 12 тага яқин бизнес битим имзоланган.

Айни пайтда туманда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар давом этмоқда. Лойиҳаларнинг ишга туширилиши эса туманнинг иқтисодий ривожланиши билан бирга, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда маҳаллий ёшларнинг бандлиги таъминланишига хизмат қилади.

ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Қишлоқ хўжалиги қўшимча имкониятларга бой соҳа. Бозорларимиз файзу баракаси, ҳаётимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан ҳосилларимиз мўллигига боғлиқ. Зеро, юртимиз замини саховатли. Шу боис кейинги йилларда аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва уни бозор талабларига мослаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида энг катта эътибор бозор механизмларига қаратилган. Бунинг замирида деҳқон, фермер меҳнат қилгандан кейин ердан даромад топсин, деган мақсад ётибди. Шу билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳам назарда тутилган. Сабаби, аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу бозорда ҳам эҳтиёж ортяпти, дегани. Шундай экан, пайдо бўлаётган эҳтиёжни қондиришнинг энг асосий йўли – унумдорлик ва ҳосилдорликни оширишдир.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманимизда ғаллачилик, пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ҳамда чорвачилик йўналишларида юқори тажрибага эга миришкор ва тадбиркорлар ибратли мактаб яратишган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан жорий йилда 21,7 млн. долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди.

ЭРТАНГИ КУН МАСЪУЛИЯТИ

Янги Ўзбекистонимизда инсонпарварлик ислоҳотларини юксалтириш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари кафолатларини кучайтириш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллалардаги самарали ечим, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш тизими фуқароларда масъулият ва дахлдорлик ҳиссини оширмоқда.

Тумандаги 50 та маҳаллада “Камбағалликдан – фаровонлик сари” тамойили асосида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш тадбирларига бирламчи вазифа сифатида катта куч сафарбар этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, туманда 2025-2027 йилларда ижтимоий соҳа объектлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш мақсадида манзилли лойиҳалар тузилган. Шу билан бирга туманнинг Янги Тошкент шаҳрига туташ ҳудудларининг архитектура қиёфасини замонавийлаштириш, тасдиқланган бош режага уйғун равишда шаҳарсозлик объектларини жойлаштириш ҳамда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

Зотан, маҳаллада ўзгариш бўлса, одамларда эртанги кунга ишонч мустаҳкамланади, бутун жамият ўзгаради.

ТАЖРИБАЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

Туманимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича “Сайхунобод”, “Уйчи”, “Зарбдор” ва “Ғиждувон” тажрибалари йўлга қўйилган. Айни мақсадларда белгиланган ишлар режасининг натижадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, камбағалликни қисқартириш масаласида тажрибалар амалиёти ўз самарасини кўрсатди. Натижада, туманда жами 1 минг 633 та микролойиҳа ишга туширилиб, 2 минг 341 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Президентимиз ташаббуси бўйича туманимизда амалга оширилаётган тажрибаларда барча имкониятларни тўлиқ ишга солиб, ҳар бир маҳаллада бу тамойилни амалда қўллаш учун зарур чораларни кўряпмиз. Кейинги йилларда ҳам етакчи тадбиркорлар тажрибаси асосида хонадонларда қўшимча даромад манбаларини яратиш, томорқа маданиятини ривожлантириш, бўш бинолардан самарали фойдаланиш, ҳудудларни обод, яшил майдонга айлантириш бош вазифамиз бўлиб қолаверади.

Биламизки, ҳар бир инсоннинг қалбида Ватаннинг жажжи бўлаги яшайди. Ватанга муҳаббат эса, юксак инсоний фазилатдир. Туманимизнинг кўп миллатли аҳолиси ҳам буни чуқур англаган ҳолда янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Зеро, юртни қадрламоқ, унинг равнақи йўлида хизмат қилмоқ энг шарафли вазифадир.

Ускенбай АТЕМОВ,
Юқори Чирчиқ тумани ҳокими

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
G‘ulomjon SAMADOV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Zikrilla MUHAMMAD

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 19:30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6